Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 27 декабр чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 261 (2558)

Олий Мажлис қўмиталарида

Ижрочилар нега сукут сақлашди?

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма мажлисида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг содир этилишининг олдини олишга қаратилган қонунларнинг Навоий вилоятида ижро этилиши ҳақида»ги масала муҳокама қилинди.

Унда таъкидланишича, ўтказилган қатор тадбирлар натижаси ўлароқ, вилоятда вояга етмаганлар орасида жиноятчилар сони охирги икки йил ичида 127 тадан 97 тага ёки 30 фоизга камайган. Бу яхши. Лекин бундай хотиржамликка берилиш ярамайди. Ва бу хато ҳамда камчиликлар ҳозир йўқ, дегани ҳам эмас. Масалан, вилоятда айни пайтда 18 ёшга тўлмаганларнинг сони 118 мингдан зиёд. Ҳар йили уларнинг 5-6 мингтаси, яъни беш фоизи турли ўқув юртларига кириб таълим олишга сазовор бўлади, 10 минг нафар ҳарбий хизматга чақирилувчидан 800 га яқини ҳарбий хизмат қилади, 3,5 мингги эса ишга жойланади, холос. Қолганлари-чи? Агар улар бекор қолар экан, асосан нималар билан шуғулланадилар? Жиноятчиликнинг пайдо бўлишига ана шу бекорчилик сабаб бўлмаяптими? Сабаб бўлаётган экан, унинг олдини олиш учун нималар қилиш керак ва қилинмоқда? Ёшларнинг талаб ва истаклари нималардан иборат? Улар жойларда ўрганилаяптими? Қўмита йиғилишида мутасадди органлар ҳам, иккала қўмита аъзолари — депутатлар ҳам ана шундай саволларга жавоб топишга, уларнинг ечимини излашга ҳаракат қилдилар.

Йиғилишни олиб борган қўмита раислари Нурдинжон Исмоилов ва Азамат Зиё мутасадди органлар вакилларига ишни ўнглаш, муаммоларни ҳал қилиш учун амалдаги қонунчилигимизга қандай қўшимча ва ўзгартишлар киритиш керак ёки сизларга қонунчиликдаги қайси ҳолатлар халақит бермоқда, айтинглар, таклиф беринглар, тегишли қўмиталар ўрганиб чиқиб, агар маъқул топсалар, уларни янгилаб беради, дедилар. Лекин афсуски, бу ҳақда ҳеч ким, ҳеч қандай таклиф бермади. Уларнинг «сукут»ларини кўрган киши қонунларимиз ўта мукаммал ёки ижрочилар ундан умуман хабардор эмас эканлар, деган хулосага келиши, шубҳасиз.

Йиғилиш қабул қилган қарорда кўтарилган масалалар, уларнинг ечимига доир тавсиялар тўлиқ ўз аксини топди, дейиш мумкин. Шунингдек, йиғилишда Ёшлар ишлари қўмитасининг жорий йил иш режаси бажарилиши ҳамда қўмитанинг 2001 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.



Косонсой пойабзал ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари Янги йилни муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Корхонада асосан болаларга мўлжалланган 41 турдаги оёқ кийими тикилади. Бу йил тайёрланган маҳсулот миқдори 372 минг жуфтни ташкил этди. Улар бежиримлилиги ва сифатлилиги билан ўз харидорларини топди. Эришилган ютуқларда тажрибали ишчи Адҳамжон Аҳмаджоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жамоадагилар у билан ҳақли равишда фахрланадилар.

СУРАТДА: Адҳамжон Аҳмаджонов иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

“Она ва бола” Давлат дастурига бағишланди

Президент Ислом Каримов томонидан XXI асрнинг биринчи йили мамлакатимизда Она ва бола йили деб эълон қилинишини халқимиз зўр мамнуният билан кутиб олди. Зеро, республикамизда оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 19 декабрдаги “Она ва бола” Давлат дастурини шакллантириш тўғрисида”ги Фармойиши бўйича зарур тадбирлар амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ў.Султонов раислигида мазкур Давлат дастури йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, қўмита ва марказлар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, мутахассислар иштирок этди.

Бош вазир ўринбосарлари Д.Ғуломова, Ҳ.Кароматов, соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Тошкент шаҳридаги 10-туғуруқхона бош шифокори А.Любчич, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Г.Матчонова, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Қ.Ибайдуллаев, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова “Она ва бола” Давлат дастурини тайёрлашнинг турли йўналиш ва хусусиятлари ҳақида гапирдилар.

Мажлисда “Она ва бола” Давлат дастури Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган “Соғлом авлод” Давлат дастурининг узвий давоми экани, уни ўз вақтида шакллантириш, бажарилишини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир вазирлик ва идора, ташкилот ва корхона, муассаса раҳбарининг муҳим бурчи бўлиши зарурлиги таъкидланди. Давлат дастурини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, соғлом авлодни вояга етказиш, она ва бола, оила саломатлиги муҳофазаси республика соғлиқни сақлаш муассасалари зиммасига, айниқса, катта масъулият юклайди. Бу борада зарур иш режалари аниқ белгиланиб, вақтида амалга оширилиши учун барча имкониятларни сафарбар этиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига мазкур Давлат дастурини шакллантириш юзасидан жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб бориш кераклиги айтилди. Белгиланган олти йўналиш бўйича ишчи гуруҳлари таркиблари тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов қатнашди.

(ЎзА)

XXI аср Ўзбекистон

Қуронбой НУРИМОВ, Урганч шаҳар халқ таълими бўлими мудири:

— Бугун икки-уч ёшдаги ўғил-қизларнинг-да тиллари бийрон, фикрлари тиниқ. Беш ёшга етиб-етмай улар, ўйинчоқ эмас, менга дафтар-қалам ва китоб олиб келинг, дейишади. Шу сабабли мактабларимизда ёшидан ўзиб, «тўрт» баҳодан ҳам қаноатланмай, ўқиб юрган кичкинтойларимиз кўп. Истиқлол уларни улғайтирди, зийраклаштирди.

Яқинда санъат лицейида сабоқ олаётган пианиночи қизимиз кўплаб бастакорларнинг асарларини маҳорат билан ижро этиб, ҳаммани қойил қолдирди. Ундан ўқишни қаерда давом эттирмоқчисиз, деб сўрашганларида, ҳеч иккиланмай «Чет элда. Кейин бутун дунё бўйлаб ўзбек созандаси сифатида концертлар бераман», деди. Бу орзуга бугун ҳамма хайрихоҳ ва унинг ушалишидан ҳамма умидвор.

Янги аср юртимизда илму маърифат, маънавият юксалган, улуғ бобокалонларимизнинг жаҳонга зиё таркатиш анъаналари тикланган аср бўлади, деб ўйлайман. Биз тарбиялаётган ёшлар орасидан замахшарийлар, кубролар, берунийлар ва синолар етишиб чиқишига ва улар ҳам аждодларидек Ўзбекистон номини етти иқлимга ёйишига жуда-жуда ишонгим келади.

Асатилла ЮСУПОВ, Ғаллаорол туманидаги «Балтимор-Ғаллаорол» шўъба корхонаси ишчиси:

— Жорий йилда туманимиз боғбонлари ажойиб совға олдилар. Россиядаги «Балтимор-холдинг» масъулияти чекланган жамиятнинг Самарқанд вилоятидаги «Балтимор-Челак» қўшма корхонасининг шўъба корхонаси очилди. У бир кеча-кундузда 200 тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга. Бу туман хўжаликларида етиштирилган барча мевани қайта ишлаш имконини беради.

Келгуси йили, яъни янги асрда шўъба корхонани мустақил корхонага айлантириб, маҳсулотларимизни ўзимиз хорижга жўнатишни ният қилганмиз. Яна битта «AS-200» линияси ўрнатилади ва маҳсулот чиройли қилиб қадоқланади. Ана шунда Ғаллаорол тамғаси босилган маҳсулотлар чет мамлакатларга жўнатилади.

Янги асрнинг кейинги йилларида эса бундан-да катта ишларни бажаришни режалаштирганмиз.

“Давлат тили тўғрисида”ги қонун қандай бажарилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида “Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари қатнашди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида “Давлат тили ҳақида”ги ва “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш Давлат дастурларининг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, вазирлик тизимида “Давлат тили ҳақида”ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш изчил амалга оширилмоқда. Уни назорат қилиш ИИВ Штаби ва Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати зиммасига юклатилган. Давлат тилини жорий этиш комиссияси тўғрисида махсус низом қабул қилинган.

Кейинги икки йил давомида вазирлик, унга қарашли бошқарма ва бирлашма, ҳарбий қисмлар, шунингдек, бошқа тузилмалар томонидан ходимларга давлат тили ва лотин алифбосига асосланган ўзбек имлосини ўргатиш бўйича “Маърифат” жамияти билан ўттиздан зиёд шартнома тузилган. ИИВ котибияти, Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИБ бошқармаси ва унинг таркибига кирувчи туман бошқармаларида иш юритиш, мажлис ва йиғилишлар, турли ёзишмалар давлат тилида олиб борилмоқда.

ИИВ Бирлашган таҳририятида давлат тили ҳақидаги ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонунларни бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи алоҳида ходим белгиланган. Компьютерлар давлат тили ва лотин алифбосида иш бажаришга мўлжалланган дастурлар билан таъминланган.

Мажлисда қайд этилган ютуқлар билан бирга бу борада бир қатор камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда Самарқанд вилоятида “Давлат тили ҳақида”ги ва “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш Давлат дастурлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорининг бажарилиши кўриб чиқилди. Бу борадаги ижобий ишларни изчиллик билан давом эттириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мажлисда топонимик объектларга ном бериш масалалари, Давлат тилини жорий этиш Республика комиссиясининг жорий йилдаги фаолияти якунлари ва 2001 йил учун иш режаси ҳам муҳокама қилинди. Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

“Жаҳолатга қарши маърифат”

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Фидокорлар миллий демократик партияси, “Камолот” жамғармаси, Бадиий академия, Тошкент шаҳар “Маънавият ва маърифат” маркази ҳамкорлигида ижодкор ёшлар кўргазмаси ташкил этилди. “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида ўтган ушбу кўргазмада Президентимиз шу йил сентябр ойида БМТнинг мингйиллик саммитида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда башариятнинг энг долзарб муаммолари ёш мусаввир-талабалар фотосурат ва плакатларида акс эттирилган.

Кўргазмани Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев истиқлолимизни авайлабасрашда, Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги ва озодлигини ҳар қандай ёвуз куч ва ғараз ниятли кимсаларнинг кирдикорларидан ҳимоя қилишда соғлом фикрли, эркин ва баркамол, мафкуравий етук авлодни етиштириш бугунги кундаги ғоят муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади. Зеро, мустақиллигимиз ва тараққиётимизга рахна солишга интилаётган кучларнинг пайини қирқишда, халқаро террорчилик ва диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишини бартараф этишда миллий мафкуранинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Эътиборли томони шундаки, кўргазмадан турли олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим даргоҳларида таҳсил олаётган 130 дан зиёд йигит-қизнинг ранг-баранг асарлари жой олган.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Ҳалол меҳнат — даромад калити

Бугунги кунда иқтисодиётнинг янги тузилмаси ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликлари ўз афзалликларини тўла намоён этмоқда. Шу боисдан бўлса керак, мамлакатимизда фермерликка иштиёқ йил сайин ортиб бораётир.

— 1993 йилда, — дейди Булунғур тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги директори Анорбой Самадов, — уюшма таркибида саноқли фермерлар бўлган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 870 нафардан ошиб кетди. Муҳими — туманда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мана, оддий мисол. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси бўйича мавжуд 9 минг 342 гектар ердан 355 минг 554 сўм соф фойда олиш кутилаётган бир пайтда, туман хўжаликлари ўзларига қарашли 16 минг гектар суғориладиган экин майдонларидан бор-йўғи 100 минг сўм атрофида соф фойда олишни мўлжаллашаяпти. Ўртадаги фарқни эса таҳлил қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Хўш, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари бундай кўрсаткичларга қандай қилиб эришмоқда? Айтиш лозимки, уюшма ўзининг мустақил кредит жамғармасига эга бўлиб, бугунги кунда унинг ҳисоб рақамида 20 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ мавжуд. Мабодо биронта фермер сармояга муҳтожлик сезгудек бўлса, у илгаригидек банкка бориб юрмай, тўғридан-тўғри уюшмага мурожаат қилади. Бу ерда ортиқча расмиятчилик ва қоғозбозликларсиз, ярим соат ичида тегишли маблағ унинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Дастлаб кредит устамаси 40 фоиз қилиб белгиланган бўлса, янги йилдан бошлаб унинг миқдорини босқичма-босқич пасайтириб бориш мўлжалланмоқда.

Иқтисодиёт қирралари

Яқинда фермерлар учун яна бир қулайлик яратилди. Уюшма қурилиш-таъмирлаш ҳиссадорлик жамиятининг юз фоиз акциясини сотиб олди. Бундан мақсад «Навоийазот» ва Бухоро нефтни қайта ишлаш корхоналаридан келтириладиган минерал ўғит ва ёнилғини шу ернинг ўзида тушириш, сақлаш ва тарқатишдир. Ҳозиргача шу ернинг ўзидан фермерларга кузги экин-тикин ишлари учун 9 млн. сўмлик ёнилғи, 4 млн. сўмлик ўғит тарқатилди.

Яратилаётган қулайликлар туфайли қишлоқ хўжалигининг 11 тармоғида шуғулланаётган фермерлар зарар кўриб қолганича йўқ. Хусусан, бу йил ғаллачилик соҳасида банд бўлган 99 фермер 1426 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил олди. Ялпи хирмон 4480 тоннани ташкил этди. Тармоқдан олинган жами даромад 129500 сўмга етди. Сарф-харажат эса 89224 сўм.

Картошкачилик ҳам туман иқтисодиётига катта самара келтирмоқда. Жорий йилда бу соҳадан олинган соф фойда 141836 сўмни ташкил қилди.

Сабзавотчилик ва узумчилик тармоқларидаги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Тайёрланган 11200 тонна сабзавот ҳисобидан 83760 сўм, узумдан 73635 сўм соф фойда олинди.

Гектар ҳисобига кўп даромад олиш борасида сабзавоткорларнинг қўли баланд. Улар чўнтагига тушаётган соф фойда гектар ҳисобига 521 минг сўмдан ошаяпти. Бу кўрсаткич узумчиликда 261 минг сўмни, полиз маҳсулотлари етиштиришда эса 200 минг сўмга тенг.

Булунғурда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Одамларнинг фермерларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаяпти. Зотан, улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга, туман ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида ҳам фаол, ташаббускордирлар.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда

Ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи

Германиянинг Фульда шаҳрида жойлашган «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» ўқув маркази ҳамда Тошкент архитектура ва қурилиш институти ўртасида ўрнатилган илмий ҳамкорлик ўз ижобий натижаларини бермоқда. Самарқанддаги Шоҳи-Зинда меъморий ёдгорлигидаги Шоди Мулк оға мақбарасини таъмирлашда бу алоқа қўл келди. 2002 йилгача мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ишлари олиб борилади.

Янги XXI аср арафасида Мюнхен техника университети билан ҳам шартнома тузилди. Бу ҳамкорлик эса талабаларни ўқитиш, аспирантлар алмашувини йўлга қўйиш ҳамда илмий-техникавий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Мазкур ҳужжат ҳам 2002 йилгача мўлжалланган бўлиб, бир қатор муҳим таълимий жараёнларни ўз ичига олади.

Оқсоқоллар ўқуви

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, республика “Маҳалла зиёси” ўқув-услубий маркази, Термиз давлат университети ва республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг вилоят бўлими томонидан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ, Термиз давлат университети қошида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг ўқуви ташкил этилди.

Ўқув режасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 300 нафар вакили ислоҳотлар моҳияти ва замонавий бошқарув маҳоратидан таҳсил олади. Ўқув жараёнида, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида орттирилган тажрибалар умумлаштирилади.

Сешанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Пойтахтда

«Бургут» ҳозирча лойиҳа

Тошкент давлат самолётсозлик институти учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси кафедраси жамоаси технологик лойиҳа ишларини автоматлаштириш йўналишида самарали изланиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

«Бургут» деб ном олган самолётнинг технологик лойиҳаси ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Етакчи тадқиқотчи Абдулла Тешабоев Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «Бургут» самолётининг технологик лойиҳасини яратган эди. Эндиликда у институт олими сифатида бу изланишни такомиллаштиришга киришди. Икки ўринли янги самолёт нусхасини яратиш устида тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда. Бу изланиш Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси мавзуи бўйича амалга оширилаётир.

Акбар АЛИЕВ.

Курраи заминда

Янги йилда янги режа

Ҳиндистон ҳукумати қўшни Покистон билан Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмаси доирасида ўзаро алоқаларни тиклашга қарор қилди. Бунинг исботи сифатида 2000 йил 6-7 январ кунлари уюшманинг Исломободда бўладиган мажлисида расмий Деҳли делегацияси ҳам иштирок этади, деди Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги вакили. Бўлажак тадбирда транспорт соҳасида ҳамкорлик ва эркин савдо ҳудудини барпо қилиш масалалари муҳокама қилинади.

Вьетнам Президенти Хитойда

Вьетнам Президенти Чан Дик Лионг беш кунлик расмий ташриф билан Хитойга келди. Ушбу ташриф янги асрда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги қадамдир, деди Ч.Д.Лионг. Айни пайтда у Хитой ҳукумати раҳбари Цзян Цзэмин билан музокара ўтказмоқда. Учрашувлар якунида чегара, шунингдек, балиқчилик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиши кўзда тутилган.

Ҳарбий асирлар алмашилмоқда

Эритрея ва Эфиопия ҳарбий асирларни алмашишга киришди. Якшанба куни Асмэра портига юзга яқин эритреялик ҳарбий асир олиб келинди. Сўнгра ўша самолёт тутқунда ушлаб турилган 90 нафар эфиопиялик аскар ва зобит билан Аддис-Абебага учиб кетди. Икки давлат янги йилгача 700 га яқин асир алмашишга келишиб олган. Мазкур операция ташаббускори бўлган Халқаро Қизил хоч қўмитаси маълумотига кўра, айни пайтда 2,5 минг эритреялик ва мингдан зиёд эфиопиялик ҳарбий тутқунда сақланмоқда.

Ҳоким ҳисоб берди

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган сессиясида вилоят ҳокимининг 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланиши режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса ҳоким А.Отабоев Фарғонада сўнгги йилларда амалга оширилган ишларни муқояса қилиб, эришилган ютуқлардан кўра фойдаланилмаган имкониятлар, ҳал этилмаган муаммоларни чуқур таҳлил этиб берди.

Фарғоналиклар сўнгги беш йил ичида йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериб, асримизни ёруғ юз билан якунлашаяпти, дейиш учун тўла асосимиз бор. Жорий йилда давлатга 280 тонна ғалла, 362 минг тонна пахта сотилди. Саноатчилар ҳам деҳқонлардан сира қолишгани йўқ. Улар ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан 14 миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Иккиламчи металл самараси

Бекободда "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари, металл хомашёсини тайёрлаш билан шуғулланувчи бошқа муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Республика комиссияси раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлис иштирокчилари металлургия ишлаб чиқаришининг самарали ишлашини таъминлаш ва иккиламчи металл хомашё ресурсларидан фойдаланиш бўйича республика раҳбарияти белгилаб берган вазифаларнинг бажарилишини кўриб чиқди. Металл етказиб бериш ҳажмлари, ушбу ишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, металл парчаларини етказиб берувчилар ва қайта ишловчилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар, томонларнинг моддий манфаатдорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг 11 ойида қора ва рангли металл чиқиндиларини йиғиш ҳамда топшириш жараёнига баҳо берилди. "Ўзметкомбинат"нинг узлуксиз ишлаши учун хомашё етарли эканлиги, бироқ республикада кон-металлургия, цемент ва бошқа корхоналарни қуриш суръатлари, улар маҳсулотини кўпайтириш қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлашга алоҳида эътиборни талаб қилиши қайд этилди.

Республика комиссияси энг фаол иккиламчи металл топширувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ушбу мақсадда транспорт, кўтарма техника воситалари билан таъминланган махсус комплекс бригадалар тузиш, барча жойларда бу ишга масъул шахслар ва уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб олишни тавсия этди. Бу ишга болаларни жалб этишга йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, тайёрлов ташкилотлари томонидан хомашё йиғиш бўйича назоратни кучайтириш ва тегишли маълумотлар тайёрлаб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бу вазиятга тезкор баҳо бериш ва Бекободдаги "Ўзметкомбинат" қувватларидан янада самарали фойдаланиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш имконини беради.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари А.Исаев иштирок этди.

(ЎзА).

Амир Темур сабоқлари

Маълумки, Амир Темур хайрия жамғармаси соҳибқирон меросини ўрганиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда «Амир Темур сабоқлари» мавзуида илмий-амалий конференциялар ўтказиб келмоқда. Амир Темур давридаги илм-фан, маданият, унинг давлатчилик сиёсатига бағишланган конференциялар Темурийлар тарихининг янги-янги қирраларини кашф этишига хизмат қилаётир.

Амир Темур ўзининг ҳарбий саркардалик маҳорати билан тарихда ўчмас из қолдирган. Куни кеча Темурийлар тарихи давлат музейида ИИВ академияси билан ҳамкорликда ўтказилган галдаги илмий-амалий анжуман «Амир Темур ҳарбий санъати» мавзуига бағишланди.

Анжуманни жамғарма раиси, академик Бўрибой Аҳмедов олиб борди.

Анжуманда сўзга чиққан темурийшунос тарихчилар, олимлар саркарданинг ҳарбий салоҳияти, Амир Темур сабоқларининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида маъруза қилдилар.

Дилбар ТУРҒУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуни эълон қилинди. Маълумки, мазкур Қонун Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида қабул қилинган эди. Муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик ушбу ҳужжатнинг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланишидаги ўрни беқиёсдир.

Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Искандар ҚАЛАНДАРОВ билан мазкур Қонуннинг мақсад ва вазифалари хусусида суҳбатлашдик.

Янги қонун — имконият

— Республикамизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларига ўтиш жараёни ҳудудлардаги барча табиий ресурслар ва хўжалик объектларини комплекс баҳолашни ўз таркибига олувчи сифат жиҳатидан янги маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллашни талаб қилмоқда. Бундай маълумотлар ҳудудларни бошқариш, табиий ресурслар ва хўжалик объектларидан оқилона фойдаланиш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, кўчмас мулк бозорини барпо этиш ва ишга солиш, ипотека институтини ривожлантириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, умуман, мамлакатнинг барқарор тараққиёти учун жуда зарурдир.

Бозор иқтисодиётининг базавий элементи ҳисобланган мазкур кадастр республикамизни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишларига тўла мос келади. Ҳозирга қадар давлат кадастрларининг ягона тизими йўқлиги сабабли, бу соҳадаги муносабатлар бир қатор қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тартибга солиб келинарди.

"Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонун халқ хўжалигида юритилаётган барча кадастрларнинг ягона тизимини яратишга хизмат қилади, яъни ҳар бир ҳудуд ёки мамлакат миқёсида ҳамма турдаги кадастр маълумотларини тўплаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Зеро, ушбу Қонуннинг асосий мақсади ҳам давлат кадастрларини аниқ юритиш, кадастрга доир ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

— Давлат кадастри тушунчасига қисқача изоҳ бериб ўтсангиз?

— Давлат кадастри деганимизда, биз шундай кадастр юритиладиган табиий, хўжалик объекти, географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдори, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб ва ўзгариб турадиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимини тушунишимиз керак. Давлат кадастрларининг ягона тизими эса, Ўзбекистон Республикаси, унинг айрим ҳудудлари бўйича яратиладиган, табиий-иқтисодий салоҳиятни баҳолашни таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизимидан иборатдир.

Мазкур Қонун 18 моддадан иборат бўлиб, унга қўмитамиз аъзолари, мутахассис ва олимларнинг таклифлари инобатга олинган ҳолда таҳририй ўзгартишлар ва аниқликлар киритилган. Шунингдек, ушбу Қонун янги учта модда билан тўлдирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Махсус ваколатли органнинг ҳамда Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари ҳақидаги моддалар шулар жумласидандир.

Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган, деб белгилаб қўйилди.

Мазкур Қонунда кадастр объекти, кадастр иши, ҳудудлар давлат кадастри каби қонунчилигимиз учун бир қатор янги тушунчалар берилган ҳамда давлат кадастрларини юритишнинг асосий тамойиллари белгиланган.

Кадастр ахборотининг ҳамма учун очиқлиги жуда кенг доирадаги истеъмолчилар ундан фойдалана олишларини назарда тутади. Кадастр ахборотининг ишончлилиги ва шакллантириш услубиятининг ягоналиги тамойиллари, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бу эса кўп жиҳатдан кадастр ахборотини тизимлаштириш, сақлаш ва янгилаб туриш жараёнларини компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини қўллаш асосидаги кадастр ривожининг умумжаҳон тенденциялари билан боғлиқ, албатта.

Қонундаги янгиликлардан яна бири — бу 13-моддадир. Унда "Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик ҳужжати ҳисобланади", дейилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш барча мулкдорлар ва кадастр объектларига бўлган бошқа субъектлар эгалари учун мажбурийдир.

Давлат кадастрини юритиш ер, фойдали қазилмалар, сувлар, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, бинолар ва иншоотлар, йўллар ва коммуникациялар, бошқа табиий ва хўжалик объектларини ўз ичига олувчи кадастр объектларини ҳисобга олиш билан бир қаторда сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашни ҳам назарда тутади.

Бир сўз билан айтганда, кадастр тузиб, биз муайян объект ёки ҳудуднинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимига эга бўламиз.

Шуниси эътиборлики, мазкур Қонунни ишлаб чиқишда вазирлик ва идораларнинг вакиллари, мутахассислар фаол иштирок этдилар. Уни тайёрлашда Германия, Швеция, Россия, Украина, Эстония, Молдова ва бошқа хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги қонунчилик амалиётидан ҳам фойдаланилди.

Шубҳасизки, "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва амалга киритилиши давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги қонунчилигимизни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

КАДРЛАР ЗАҲИРАСИНИ ЯРАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Жиззахда Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарди.

Семинарда бу соҳадаги барча ишларда Президентимизнинг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва давр талабларига мос равишда тарбиялаш тизимини такомиллаштириш борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан билдирган фикрлари асос қилиб олингани таъкидланди. Бугунги кундаги асосий вазифа жойларда кадрларга бўлган эҳтиёжни пухта ўрганиш, истиқболли ёш кадрлар заҳирасини яратиш, уларни раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич тайёрлаб бориш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.

● Сарҳисоб

Режа нега бажарилмади?

Қўшкўпир туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигида бўлиб ўтган йиғилиш кўпчиликнинг ёдида узоқ сақланиб қолиши турган гап. Чунки у одатдагидан фарқли равишда дала бошида, ўткир танқидий мунозара-мулоқот тарзида ўтди. Берилган саволлар ҳам оддий ва дангал бўлди. Масалан, пахта тайёрлаш шартнома режаси нега ора йўлда қолиб кетди? Ҳамма айбни ҳам сув танқислигига тўнкайвериш адолатданми, инсофданми?

Хўжаликлар раҳбарлари ана шу саволларги жавоб беришда, тўғриси, қийналдилар. Ахир, уларнинг ўзларида ҳам камчилик ва нуқсонлар, хатолар оз бўлмаган-да.

«Мезбон» раис Б. Матёқубов ўртага таклиф этилиб, ундан фақат бир нарса сўралди: «Нима учун бир неча йил олдин гектарига 40 центнердан хирмон кўтарилган далаларда бугун ҳосилдорлик 20 центнерга ҳам етмайди?» Раис жўяли жавоб беролмади. Лекин йиғилиш иштирокчилари унга бир гапни қатъий айтишди: «Сув кам бўлгани рост. Лекин ўзингдан ҳам кўп камчиликлар ўтган. Айтайлик, ердан фойдаланишда хатоларга йўл қўйгансан».

Бу гапларни қандай қилиб рад этиб бўлади? Ахир, далаларнинг тевараатрофларида, ариқ ва зовурлар бўйларида фойдаланилмай, сув бўлса ютаман, деб ётган ер озмунчами? Ёввойилашиб кетган, кўримсиз дарахтлар қанча жойни эгаллаб ётибди? Энг ачинарлиси, уларнинг катта қисми хўжаликнинг умумий ер сатҳи ҳисобида.

Бир ҳисоб-китоб қилиб чиқилса, хўжалик ҳудудидаги фойдаланилмай ётган ва ишларга ноқулайлик туғдирадиган, қишлоқнинг умумий манзарасини ҳам хира торттираётган 150 гектарга яқин майдон бор экан. Агар раис буни шу ҳақда бир йил олдин қайғура бошлагандами, вилоят фаоллари олдида мулзам бўлиб турмаслиги аниқ эди.

Туманнинг аксарият хўжаликлари ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин. Уларнинг раҳбарлари ҳам муросага ўрин қолдирмайдиган саволлар олдида қизариб қолишди. Негаки, улар учун намуна ўзларининг туманида ҳам бор эди.

Машариф Раҳимов номли ширкат хўжалигида айнан ана шу ерга, сувдан тежаб фойдаланишга катта эътибор берилганлиги туфайли ҳар йили мўл хирмон кўтарилмоқда. Бу йил ҳам хўжалик аҳлининг юзи ёруғ бўлди. Вилоятда пешқадамлар қаторида пахта тайёрлаш шартнома режаси бажарилди.

— Ер асосий бойлигимиз, — дейди ширкат хўжалиги раиси Султонназир Ўразметов. — Агар дала кафтдек текис, уларнинг атрофлари, йўлларнинг бўйлари саранжом-саришта, ўнғай ва қулай бўлса, ишларнинг самараси ҳам юқори бўлиши, табиий. Қаерда деҳқончилик маданияти ошса, шу жойда элнинг ризқу рўзи ҳам зиёда бўлади.

Фаоллар йиғилиши ўтадиган кунгача «Тошкент» хўжалигида ер майдонларини таъмирлаш, ерга ер қўшиш юзасидан катта иш бошлаб юборилган эди. «Хоразмсувқурилиш» ҳамда «Хоразмирригация» трестларига қарашли кўчма механизациялашган колонналарнинг 30 скрейпер, 20 бульдозер, 20 «КрАЗ» ва «КамАЗ»и, шунингдек, хўжаликда мавжуд экскаваторлар бир неча кун ичида экин майдонларини илгари кўпчилик тасаввур этмаган даражада тартибга солишди. Натижада ерлар сатҳи кенгайиб, унда қишлоқ хўжалик ишларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар тубдан яхшиланди. Энди бу далаларда сувни бир текис тараш, оби-ҳаётнинг бир қатрасини ҳам исроф қилмаслик учун етарли имкониятлар яратилди. Айниқса, йўл бўйлари кўркам қиёфа касб этди. Қишлоқ манзараси ҳам ўзгарди.

— Ерни таъмирлаш жуда муҳим иш, — дейди скрейперчи Раймибой Хўжаев. — Сув тақчиллиги, албатта, қийинчилик туғдиради. Лекин ер шароитлари яхши бўлмаса, бу қийинчилик икки марта ошади. Биз таъмирлаган отизларда келгуси йил мўл ҳосил олиш мумкин бўлади, деб ўйлайман. Уларда ер нами узоқ сақланиб туради.

«Тошкент»да ерларни таъмирлаш, уларнинг атрофини, йўлларни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг яна бир муҳим аҳамияти бор. Чунки ширкат қадимий Хивага элтувчи катта йўл бўйида жойлашган. Кўплаб меҳмонларнинг назари шу ерга ҳам тушиши, табиий.

— Туманимизда бу йил минг гектардан зиёд ер таъмирланади, — дейди қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Рашид Ҳайитбоев. — Шу билан бирга, ерлар унумдорлигини ошириш мақсадида ҳар гектар майдонга минг кубометрдан унумдор тупроқ тўкиш тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Дала бошига маҳаллий ўғитлар ҳам чиқарилмоқда.

Қўшкўпир — вилоятнинг иқтисодий имкониятлари катта туманларидан бири. Лекин кейинги бир неча йил давомида бу имкониятлардан самарали фойдаланилгани йўқ. Шу сабабли ҳам, вилоят ҳокимлиги мазкур туманни иқтисодий ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда.

Йиғилишда билдирилган кўплаб танқидий фикр ва мулоҳазалар вилоятнинг бошқа қатор туманларига ҳам тааллуқли. Шу боис унда иштирок этган хўжалик раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўзлари учун зарур вазифаларни белгилаб олишди. Айни чоғда хўжаликларда ерларни таъмирлаш, ерга ер қўшиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

35 миллион сўмлик маҳсулот — экспортга

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги «Уфқ» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида 40 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача айтганда, ҳар ойда 50 миллион сўмлик шундай маҳсулот тайёрланиб, унинг 35 миллион сўмлиги Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон Республикаларига экспортга жўнатилянти.

Қўшма корхона бош муҳандиси Неъмат Файзуллаевнинг таъкидлашича, Рамазон ҳайити ва Янги йил арафасида буюртмачилар сони бирмунча ошди. Шу боис 400 кишилик жамоа ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини орттиришга ҳаракат қилмоқда. Айни чоғда корхонада янги линиялар ҳам ўрнатилаётир. Бу 2001 йилда ширинликлар турини кўпайтириш, сифатини таъғин-да яхшилаш имконини беради.

Усмон УСМОНОВ.

СУРАТДА: илғор ишчи Наргиза Умарова харидорга тайёр маҳсулотни тақдим этмоқда.

Муаллиф олган сурат.

Имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқ лозим

Нукусда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси А.Тожиев бошқарди.

Йиғилишда кейинги йилларда Қорақалпоғистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муайян ижобий ўзгаришлар юз бергани қайд этилди. Мулк шакли ўзгарди, минглаб деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари ташкил этилди. Шу билан бирга, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Жумладан, баъзи хўжаликларда боқимандалик кайфияти барҳам топмаган, эски усулда иш юритилиб, ташаббускорлик сезилмаяпти, шартномаларнинг ижросига қатъий равишда амал қилинмаяпти. Шунингдек, чек, санация имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётир.

А.ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

● Ҳодиса

Ёлғиш

Милиция подполковниги Абдумутал Қундузов Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинланган сўнг ўз фаолиятини жамоатчилик билан алоқа қилишнинг синалган усули — «Ишонч телефонлари»ни қайта тиклашдан бошлади. Телефонлар илгаридай фақат навбатчилик қисмидагина эмас, балки бошлиқ қабулхонаси, жиноят қидирув бўлимида ҳам жиринглай бошлади.

Яқинда ишонч қўнғироғи катта бир жиноят, айтиш мумкинки, фожианинг олдини олишга хизмат қилди. Шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Мухторжон Усмонов одатдагидай эртага амалга ошириладиган ишлар режаси билан банд эди. Дафъатан телефон жиринглаб, М.Қаҳҳоров кўчаси, 89-уйда босқинчилик содир бўлиши ҳақида хабар берилди.

...Тун яримлаб қолган. Бунинг устига, тезкор гуруҳ ҳам бошқа операция билан банд. Шу туфайли капитан навбатчилик қисмидаги ходимлар Аваз Жўрабоев, Анвар Холматовларни ёнига олиб, хабар қилинган манзилга отланди. Уй эгалари огоҳлантирилиб, хавфсиз жойга ўтказилди. Ҳали тезкор вакиллар пистирмага ўтмай туриб, эшик тақиллади. Садо бўлмагач, босқинчилар эшик зулфини бузиб, ичкарига киришди. Уй эгаси тижорат билан шуғулланарди. «Дамас» автомашинасида Тошкент «Отчопар»идан олиб келган юкларни тушуришга ҳам улгурмаганди. Босқинчилардан бири хонадонни кўздан кечириб турди. Қолган учтаси эса автомашина салонидаги сумкаларни пичоқ билан тилиб, тита бошлади.

Вазият мураккаб. Ўта тезкор, чаққонлик билан иш кўриш керак. Босқинчиларнинг ҳаммаси ўткир тиғли пичоқлар билан қуролланган. Шунда капитан Усмонов жиноятчиларнинг йўлига отилиб чиқиб, уларни милиция ходимлари хонадонни қуршаб олишгани, агар қаршилик кўрсатишса, қурол ишлатишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Лекин кўзи қонга тўлган босқинчилардан иккитаси қўлида пичоқ билан Мухторжонга ҳамла қилди. Шарқона кураш усулларидан бохабар капитан ташланганлардан бирини улоқтириб, иккинчисини ҳам ер тишлатди. Ўғриларнинг қолганлари Анвар Холматов ва Аваз Жўрабоевга ташланишди. Мухторжон шерикларига ёрдамга шошилганда, бўйни, юзи аралаш бир нарса «жиз» этиб кетди. Босқинчи қўлидаги пичоқ ўз ишини қилганди. У яраланганига ҳам қарамай, хизматдош дўстларини босқинчилар ҳамласидан сақлаб қолди. Лекин газандалар Анваржонга ҳам жароҳат етказишга улгуришганди: пичоқнинг ўткир тиғи унинг ўнг қўлидаги бош бармоқни кесиб кетганди.

Олишув давом этаётган пайтда шаҳар ички ишлар бўлимининг бошқа ходимлари ҳам воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. Ҳали тонг ёришмасдан, ўз маҳалладошини тунамоқчи бўлган Воҳид Норматов, Баҳодир Абдуллаев, Дилшод Расулов, Аваз Маматқуловлар қўлга олинди. Уларнинг ёнидан совуқ қуроллар, босқинчиликка оид бошқа ашёвий далиллар топилди.

Ушбу мақолани тайёрлаш мақсадида шаҳар ички ишлар бўлимига ташриф буюрганимизда, Усмонов ва унинг ҳамкасблари яна бир ишонч қўнғироғи изидан кетганлигини айтишди. Уларни узоқ кутмадик. Бу галги «ов» ҳам бароридан келибди. Ҳали балоғатга етмаган икки ўспириннинг сумкасидан 4 дона юзга тутадиган ниқоб, 3 та ўткир тиғли ханжар, чарм қўлқоплар, тасма, арқон, ёритгич чироқлари топилган. Демак, яна бир жиноятнинг олди олинибди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Университетда анжуман

Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетида миллий истиқлол ғояси мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг асарлари ва нутқлари асосида миллий истиқлол, у кўзлаган улуғвор мақсадлар мазмун-моҳиятини ёшлар онгига, қалбига чуқур сингдириш, аҳолининг турли қатламларига кенг етказиш юзасидан вазифалар диққат марказида бўлди.

Анжуманда сўзга чиққан республикамизнинг таниқли илм-фан, маънавият ва маърифат намояндалари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари, миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш соҳалари ва йўналишлари, мафкуравий тарбиянинг услуб ва воситалари юзасидан кенг фикрлар билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 26 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	180,86	10 Люксембург франки	74,39
1 Австрия шиллинги	21,81	1 Малайзия рингити	85,54
1 Англия фунт стерлинги	479,34	1 Германия маркаси	153,44
10 Бельгия франки	74,39	1 Польша злотийси	77,94
1 Голландия гульдени	136,18	1 СДР	424,02
10 Греция драхмаси	8,82	1000 Туркия лираси	0,48
1 Дания кронаси	40,24	1 Финляндия маркаси	50,47
1 БАА дирхами	88,50	1 Франция франки	45,75
1 АҚШ доллари	325,00	1 Швейцария франки	197,59
1 Миср фунти	83,83	1 ЕВРО	300,11
10 Испания песети	18,04	10 Жанубий Корея вони	2,63
100 Италия лираси	15,50	10 Япония иенаси	28,81
1 Канада доллари	214,24	1 Россия рубли	11,62
1 Хитой юани	39,26	1 Украина гривнаси	59,79

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

OQIBAT

Ҳол сўраш халқимизнинг энг бебаҳо фазилатларидан биридир.

Кеч куз эди. Шом яқинлашиб қолганди. Ишдан чиқиб, қишлоққа отлангандим. Аксига олгандай, йўлда автобус бузилиб қолди. Икки ярим соатлик масофани тўрт соатда босиб ўтдик. Манзилга хуфтонда етиб бордик.

Чойхона рўпарасидаги бекатда автобусдан тушгач, енгил тин олдим: бу ёғи икки қадам. Пойи пиёда, нари борса, ўн беш дақиқалик йўл.

Эндигина маҳалламиз сари бурилмоқчийдим, кимдир «Амаки!» деб чақиргандай бўлди. Ўгирилиб қарасам, тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги қизалоқ ортимдан шошиб келаяпти. Ёнбошдан тушаётган чироқ нурида аниқ кўрдим: қишлоқ қизларига монанд кийиниб олибди — бошида рўмол, эгнида камзул, оёғида калиш. Орқасига ташланган икки ўрим сочи ҳам ўзига ярашиб турибди.

— Ассалому алайкум, амаки, — деди менга етиб олгач. — Сиз шу тарафга юрасиз-а? — У алигимни ҳам, жавобимни ҳам кутмай, илтимос қилди. — Сиз билан бирга кетсам, майлими?

Раъйини қайтаргим келмади. Ушоққина бўйбастига бирров назар ташлаб, «Бемалол!» дедим. Чойхонадан узоқлашиб, тош тўкилган кўчага қайрилгач, қизиқсиниб сўрадим:

— Кимнинг қизисан?

— Раҳмат чўтирнинг!

Қизалоқ отасининг исмини ҳам, лақабини ҳам ғурур билан биратўла қўшиб айтди. Кулгимни аранг босиб, «Ҳм!» деб қўя қолдим.

Раҳмат мендан анча ёш — укам тенги йигит. Сабабини билмадим-у, армиядан ўнг юзида шапалоқдай чандиқ билан қайтган. Шундан ўзига хос лақаб орттирган. Ҳозир уйли-жойли — гузаримиз муюлишида яшайди. Касби шофёрлик — хусусий автобус ҳайдайди. Киракашлик қилиб, йўловчи ташийди. Беш ўғилдан сўнг битта қиз кўрган. Манави қақажон ўша супрақоқдиси бўлса керак. Лекин салкам йигирма беш йилдан буён қишлоққа меҳмондай келиб-кетганим боис уни яхши танимайман. Фақат тили бийронгина деб эшитганим бор.

— Хўш, ярим кечада ёлғиз ўзинг бу томонларда нима қилиб юрибсан? — ман-ку?

— Нега? — қизалоқнинг овози тун бағрида жаранглаб эшитилди. — Мен сизни яхши танийман. Сиз Тошкентда яшайсиз. Муҳбир бўлиб ишлайсиз. Мақола ёзиб, газетада чиқарасиз.

— Э, қойил, зўрсан-ку! — мулозаматни жойига

Яхши хола

«Қўш устунимнинг бири» туркумидан

эрмак учун кичик ҳамроҳимни яна саволга тутдим.

— Менми? — у ўйлаганимдек анча маҳмадона экан, лаби-лабига тегмай, бурро-бурро сўзлай кетди. — Икковлашиб дарс тайёрлагани Салима ўртоғимникига боргандим. Кеч қопкетдим. Чойхонанинг олдигача келдим-у, бу ёғига кўрқдим. Бирорта таниш одам ўтишини пойлаб турувдим, яхшиям, бахтимга сиз кепқолдингиз.

— Нима, қоронғида юришдан қўрқасанми? — дея унинг гапини бўлдим.

— Йўқ! — қизалоқ кескин жавоб қайтарди. Иккиланган-гандай бир зум жим қолгач, ростига кўчди. — Мен бўш юрган дайди итлардан қўрқаман. Яна мастлардан, бегоналардан...

— Мендан-чи? Мендан қўрқмайсанми? — уни синаш учун атай таъкидладим. — Ахир, мен ҳам сенга бегонақўярканман, ҳайратимни яшириб ўтирмадим. — Мен тўғримда шунча гапни қаердан биласан?

— Биламан-да! — у тағин ҳозиржавоблик кўрсатди. — Буларни менга Яхши холам айтганлар. Сизни роса мақтаганлар.

— «Яхши холам?» ... Ким у?

— И-е, нега унақа дейсиз, амаки? — қизалоқ дафъатан юришдан тўхтади. — Яхши холам ўзингизнинг онангиз-ку!

— Йўғ-е, ростданми?

— Ҳа, билмайсизми? — чамамда, у менинг дунёбехабарлигимдан ҳафсаласи пир бўлиб, бўшашиб кетди. Шу асно худди катталардек қаттиқ хўрсиниб қўйди. — Сизларникига борганимда, — деди олға қадам ташларкан, алланечук маъюс оҳангда, — Яхши холам «Уйларингга обор!» деб, қўлимга доим анор, узум, анжир тутқазардилар. Бозорга кетаётганларида кўчамиздан ўтардилар. Ҳар сафар кўринган болага нимадир улашардилар. Яна бир марта-чи... — қизалоқ, ўта муҳим сирни ошкор этмоқчидек, шошa-пиша орқа-олдига аланглади, — дадам тўйдан ичиб келди. Жанжал кўтариб, ҳаммамизни кўчага қувди. Аям қарғанганди, калтак еди. Аразлаб бувимникига кетиб қолди. Уч кун ўтсаям қайтмади. Мен Яхши холамга йиғлаб бордим. Бўлган воқеани чақиб бердим. Ундан кейин... — у бир энтикиб олгач, сўзида давом этди. — Биласизми, эртаси эрталаб Яхши холам уйимизга келиб, дадамга роса гапирдилар. Ўзлари уришиб, ўзлари юпатдилар. Охири бувимникига бориб, аямни опкеб қўйдилар...

Қизалоқнинг сўнгги гаплари қулоғимга кирмади. Кўз ўнгимда онам гавдаланди. Яна денг, худди тирикдайин, ишком остидаги сўрида ўтиргандайин! Нуқул «Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор, икки ёмон бир бўлса, кун қайда бор!» деб шивирлаётгандайин. Кейин «Мани йўриғимга юрсаларинг, эр-хотин бекордан-бекорга сира жанжаллашманглар. Турмуш дарз кетмасин, болаларим!» деяётгандай бўлди. Назаримда, шу лаҳза қоронғи кўча бирданига ёришиб кетгандай туюлди. Негадир, йиғлагим, қизалоқнинг пешонасини силагим, унга «Яхши холангнинг яхшиликларини унутмаганинг учун раҳмат, сингилжоним!» дегим келди...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ.

Кирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

“Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 декабр.

8

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида

«Халқ сўзи» — «Народное слово»

2000 йил

Кирқиш чизиғи

лаш ёки ўз вақтида бажармаслик —

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

8-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва жарима солиш ҳуқуқига:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эгадирлар.

9-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш

Қурилиш соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсдан жарима ундириш учун ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарори асос бўла-

6

Буклаш чизиғи

шунингдек, объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузадиган хатти-ҳаракат қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

3-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқарувчи, қурилишда буюртмачи ҳисобланувчи ёки бирйўла буюртмачи ва пудратчи вазифаларини бажарувчи юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий тартибда жарима солинади.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши уни ўзи йўл қўйган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

4-модда. Режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини бузиш

Аҳоли пунктларини режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини, тарихий иморатлар жойлашган даҳаларни қайта қуриш режаларини, турар жой даҳалари, кичик даҳалар ва шаҳарларнинг саноат зоналари, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифа-

3

Кирқиш чизиғи

ERICSSON

Yangi Yilingiz bilan!

«Ericsson» kompaniyasi O`zbekiston xalg`ini Yangi – 2001 yil bilan tabriklaydi!

Har bir oilaga baxt va faravonlik tilaydi!

ERICSSON

3847

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида

1-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

2-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тушунчаси

Юридик шахслар томонидан аҳоли пунктларини, бинолар ва иншоотларни режалаш ва қуриш бош режаларининг, лойиҳаларининг бузилиши, давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларига, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиги, мустаҳкамлиги, пухталиги, ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларининг чидамлилик параметрлари пасайиши ва йўқотилишига сабаб бўлган тарзда риоя этилмаслиги,

2

Буклаш чизиғи

тини, шунингдек, бинолар ва иншоотларнинг меъморчилик ечимларини бузиш — энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

5-модда. Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш

Лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш чоғида қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш:

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилик ёки мустаҳкамлик параметрлари йўқотилишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда;

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилик ёки мустаҳкамлик параметрлари пасайишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда;

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг пухталиги пасайишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

6-модда. Бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоида

4

Қирқиш чизиғи

ди.

Юридик шахс жаримани жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай тўлаши керак.

10-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Юридик шахс ўзига нисбатан чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиши мумкин. Бунда жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши шикоятни кўриб чиқиш муддатигача тўхтатиб турилади.

11-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда давлат архитектура-қурилиш назорати органлари мансабдор шахсларининг юридик шахслар зарар кўришига сабаб бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан юридик шахслар судга белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 декабр.

7

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

лари, техник шартларининг талабларини бузиш

Бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларининг талабларини бузиш — реализация қилинган маҳсулот қийматининг эллик фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

7-модда. Объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузиш

Объектларни лойиҳа-смета ҳужжатларисиз ва давлат идорадан ташқари экспертизасининг ижобий хулосасисиз, шунингдек, давлат архитектура-қурилиш назорати органлари рўйхатидан ўтказмасдан ва уларнинг рухсатномасисиз қуриш

— энг кам иш ҳақининг етмиш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилишда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, лекин сертификатланмаган материаллар, буюмлар ва конструкцияларни қўллаш

— энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин тов

5

Қирқиш чизиғи



Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз филиалининг ишга туширилиши аҳоли учун айни муддао бўлди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу марказда ташхис қўйиш, жарроҳлик ишларини амалга ошириш, даволаш каби юмушлар самарадорлиги тубдан яхшиланди. Айниқса, бир неча телевизион ускуналар, лазерли аппаратлар, компьютер воситасида ишлайдиган ултратовушли диагностика ускуналари врачларга қўл келмоқда.

СУРАТДА: жарроҳ Абдукарим Кенжаев ва тиббий ҳамшира Раиса Скабелина галдаги юмушлар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ФОНДИ

2001 ЙИЛ ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВДАН МАҚСАД:
фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ва ўзига хос ишларни қўллаб-қувватлаш.

Танлов шартлари, лойиҳаларни топшириш ва расмийлаштириш қоидалари билан ФТДҚ, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигида танишиш мумкин.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2001 йил 1 февралгача Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ биносида ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 14.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Фонднинг почта манзили:
700017, Тошкент ш., Х .Сулаймонова кўчаси, 29-уй, «ФТФ танлови».

Эълон қилинган муддатдан кейин юборилган ёки қоида бўйича расмийлаштирилмаган лойиҳалар танловга қўйилмайди.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 139-16-80, 139-15-40.

3833

89				
			86	
16		0		
		66		
	10			96

● Жумбоқ

Иккита бола 1,6,8,9 ва 0 рақамларини электрон ўйинда шундай жойлаштирдиларки, ҳар қаторнинг энига ва бўйига рақамлар йиғиндисидан 264 ҳосил бўлди. Уларнинг яна бир дўсти бу рақамларга қараб диагоналига ҳам 264 рақами чиқаётганини пайқади. Болалар ўз ечимларидан роса завқланишди. Қани, сиз ҳам ҳаракат қилиб кўрингчи!

* * *

Кечаги сонда берилган жумбоқнинг жавоби:

Қимиз аввал 30 литрлик идишга солиниб, 50 литрлига ағдарилди. Сўнг яна 30 литрлик идишни тўлдириб, ундан катта идишга тўлгунча қуйилди. Шунда кичик идишда 10 литр қимиз қолади. Бу ҳақда Бўкадан Камол Сатторов, Абдулҳай Шотемиров, 139-телефон станцияси ходимлари, «Ҳунарманд» уюшмаси бош ҳисобчиси Венера Юсупова ва бошқалар 136-35-60 телефони орқали хабар қилишди.

«Матбуотнақлиёт» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли давлат белгиси 10 АД 658 бўлган ЗИЛ 431410 автоуловига берилган АТ 0157325, АТ 0157319 ва давлат белгиси 1336 ТНА бўлган КАВЗ 683 автоуловига берилган АТ 0164402 сонли дицензия карточкалари йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

● Китоблар оламида

«Авесто» дунёсига бир назар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси Бош муҳарририяти фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудовнинг «Авесто» ҳақида» номли рисоласини 10 минг нусхада чоп этиб, китобхонларга тақдим этди. Ушбу рисола Туронзаминда бундан 3 минг йиллар илгари пайдо бўлган, қадимий цивилизацияда катта аҳамият касб этган, одамларни яхшилик, эзгулик, тинч-тотув яшашга даъват этган Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» ҳақида, аниқроғи, бу қадимги китобнингфалсафий-эстетик асослари тўғрисида баҳс юритади.

Тилаб Маҳмудов ушбу рисолага қўл урганлигининг табиий сабаблари бор. Биринчи сабаб шуки, «Авесто»нинг шоир ва журналист Асқар Маҳкам томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси бундан 7-8 йил аввал Тилаб Маҳмудов бош муҳаррирлик қилган «Санъат» журналининг 14-сонида кетма-кет босилди. Шу маънода, «Авесто» таржимасининг биринчи ўқувчиси, унинг муҳаррири ҳам ана шу олим эди.

Ҳудди ўша йилларда таржимон ҳам, журнал бош муҳаррири ҳам «Авесто» матнлари ва бу қадимий китоб тўғрисида мавжуд тадқиқотлар билан атрофлича ва астойдил шуғулланишди. Ҳудди шу шароитда олимнинг хаёлида биз бугун қўлимизга олган рисоланинг асосий ғоялари туғилган бўлса, ажаб эмас.

Қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан «Авесто»нинг 2700 йиллик тўйи Ватанимизда ва халқаро миқёсда нишонланадиган бўлди. ЮНЕСКО томонидан яқинлашаётган 2001 йилнинг «Авесто» йили деб эълон қилинганлиги асосида ҳам мамлакатимиз раҳбари бошлаган ташаббус турганлиги шак-шубҳасиздир. Шундай бир давр келдики, ҳозир «Авесто»га оламшумул қизиқиш уйғонганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Пировардида бундай шароитда, айниқса, «Авесто» ватани бўлган Ўзбекистонда бу табаррук китобнинг моҳиятини чуқур идрок этишга интилиш оммавий маънавий эҳтиёжга айланганлиги табиий бир ҳолдир.

«Авесто» тўғрисида мутахассис олимлар ёзишаяпти, газета ва журналларда анча-мунча мақолалар ҳам чиқиб турибди. Уларнинг аксарияти ҳозирча оммавий-маърифий бир савияда эмас. «Авесто»шунослик муҳитида Тилаб Маҳмудовнинг рисоласи эса алоҳида фазилатлари билан ажралиб туради.

Аввало, шу жиҳатданки, рисола муаллифи «Авесто»га доир тарқиқотларни кенг ўрганиш асосида унинг тарихига оид маълумотларга диққатга сазовор аниқликлар киритади. Иккинчидан, китобхон рисоладаги Зардуштийлик диний таълимотининг ҳозирги маънавият учун ҳам долзарб маънолар ва сабоқлар бўла оладиган муҳим жиҳатларини топади. Қолаверса, олим ҳозирги турмуш тарзимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизда мавжуд шундай ҳолатларни илғаб қаламга оладики, уларнинг илдизи «Авесто» даврига ва «Авесто» эътиқодларига бориб уланишига сизу биз ҳам беихтиёр ишонамиз...

Рисола тўғрисида фикримизни яна давом эттиришимиз мумкин. Аммо, яхшиси, ушбу жажжи тадқиқий китобчани ҳар ким ўзи олиб, мутолаа қилиши маъқул. Аминмизки, у бунга арзийди ва улуғ китобимизнинг 2700 йиллиги тўйи арафасида унинг тўғрисида файласуф олим томонидан яхши бир сўз айтилганига ишонади.

М.САФАРОВ

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1115.
18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II русс компьютерида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **И. ЎТБОСАРОВ.**
Навбатчи — **У. ФАЙЗИЕВА.**
Мусаҳҳиҳ — **А. САТТОРОВ.**

• **МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг педагогик таълим, фан ва малака ошириш бош бошқармаси бошлиғи А.Қосимовга онаси **ҚУНДУЗХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси жамоаси «Ватандош» бош муҳарририятининг бош муҳаррири Тўлаган Тўхтаевга волидаи муҳтарамалари **САНОБАР аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдулазиз Темировга онаси **ТОЖИХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«ELEKTROISHLOQQURILISH» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси, Наманган электр қурилмалари корхонаси директори Ҳамид Тўхтабоевга акаси **Маҳмуджон ТЎХТАБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасининг катта ўқитувчиси Раҳматулла Тожиевга онаси **ЭНАЧА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Янги йил билан, янги аср билан, азиз ҳамкорлар!

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси

Сизларни яқинлашиб келаётган учинчи мингйиллик билан муборакбод этади.

Янги — 2001 йилда Сизларга барча энг замонавий телекоммуникация турлари мажмуи бўйича хизмат кўрсатишга бел боғлаганмиз. Телекоммуникация хизматларига бўлган эҳтиёжингизни тўла қондириш учун биз билан ҳамкорлик қилишга шайланинг.

Internet
E-mail
ISDN/xDSL
IP-telephony
Cellular

Ўзбекистон телекоммуникацияси келажаги "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"га мансуб!

O'ZBEKTELEKOM
Aktsiyadorlik kompaniyasi
Toshkent, 700000, Amir Temur ko'chasi, 24
Tel.: 133-42-59, Faks: 136-01-88
E-mail: uztelekom@uzpak.uz
http://WWW.uztelekom.uz

3629